

PEDAGOGIKA. METODIKA. INNOVACIYA

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ТАРБИЯЛАШДА ПЕДАГОГИК ЁНДАШУВ

Н.А.Абдукаримов - катта ўқитувчи

Б.С.Мавлянов – ўқитувчи

Жиззах давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: ёшлар, маънавият, таълим-тарбия, баркамол авлод, маънавий тарғибот, жамият, билим, олий таълим муассасалари, кўника, ғоя.

Ключевые слова: молодёжь, воспитание, гармонично-развитое поколение, нравственность, общество, знания, высшие учебные заведения, навык, идея.

Key words: youth, upbringing, harmonically developed generation, morality, society knowledge, higher education institutions, science, idea.

Маънавий тарбия ҳар қандай жамият ва мамлакат ҳаётида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ёш авлоднинг, умуман, жамиятнинг ҳар бир аъзосининг тарбияси билан етарлича шугулланмаган мамлакат турғунликка ва охир оқибатда инкирозга юз тутди. Таълим-тарбия муассасаларида тайёрланадиган кадрларни интеллектуал, маънавий ва ахлоқий савиясига кўра ривожланган мамлакатлар кадрлари даражасига етказиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда ёшларнинг замонавий касб-хунарларни эгаллаши, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиши кабилар таълим-тарбия жараёнида тўлиқ амалга оширилмоқда. Ёш авлод тарбиясига эътибор давлатимиз сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Ёшлар - келажагимиз. Эртанги кунимизнинг қандай бўлиши айнан фарзандларимизни тарбиялашимизга боғлиқ. Шу жиҳатдан уларни билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари ҳар бир оила, таълим муассасаларининг асосий вазифалари ҳисобланади. Халқнинг билим ва тафаккури юксак бўлса, ўша ерда ҳар тарафлама тараққиёт бор. Мамлакатимиз биринчи Президенти И.Каримов, маънавиятни ривожлантирмай туриб, тараққиётга эришиб бўлмаслигини жуда кўп бор эътироф этиб, “Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш – Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир” [1], деб таъкидлайди.

Ҳар қандай мамлакат ҳаёт даражасини ўша ҳудудда яшаётган халқнинг умумсавияси белгилайди. Бунинг учун ёшларни хотиржамлик, бепарволик кайфиятларига берилиб кетмасликка, уларни ривожланиб бораётган мамлакат учун керакли кадр қилиб тайёрлашни тақозо этади. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш керакки, айрим ҳолларда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарлик, ҳатто жиноятлар содир этишлар юз бериб турибди. Бу ҳолатларни бартараф этишда ёшларнинг ҳуқуқий маданияти ва сиёсий маданияти даражасини юксалтириш лозим. Бу ҳақда олимлар “ҳуқуқий билимларсиз ҳуқуқий маданият бўлиши мумкин эмас” [2] деб таъкидлаган.

Ёшлар ўртасида тарбияси оғир, дарсларга мунтазам қатнашмайдиган болалар ҳам йук эмас. Ҳамма нарсга бекорчилик ва эътиборсизликдан келиб чиқади. Шу боис ёшлар уртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, интернет тармоқлари, компьютер орқали хизмат курсатувчи хўжалик субъектлари фаолиятини мувофиқлаштириш зарурати пайдо бўлди. Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг кўрсатишича, «қадимги аجدодларимиз комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини, замонавий тил билан айтсак, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанлар. Киши қалбида ҳаромдан ҳазар, нопокликка, адолатсизликка нисбатан муросасиз исён бўлиши керак» [3].

Бу борада баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш, вояга етмаган

ишлари буйича комиссиялар тузиш ва уларнинг фаолиятини такомиллаштиришга Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Ички ишлар вазирликлари, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ҳудудий бўлинмалари ўз жойларидаги интернет тармоқлари ва компьютер хизмати курсатувчи субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш, белгиланган конун талаблари асосида иш юритилишини назорат қилиш, дарс пайтида, тунги вақтларда вояга етмаган ёшларнинг бундай муассасаларда булишига мутлақо чек қуйиш вазифалари амалга оширилмоқда.

Баъзи бир жойлардаги айрим интернет-кафе ва компьютер клубларида миллий маънавиятимизга зид, жангарилик, шафқатсизлик ва ҳаёсизликни тарғиб этувчи лавҳалар, суратлар, сайтлар, фильмлар борлиги сир эмас. Бу эса вояга етмаган ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатиб, улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг ошишига асосий сабаблардан бири бўляпти. Баъзи шундай муассасалар жойлашган бинолар талабларга жавоб бермайди. Ундаги шарт-шароитлар ёшларнинг таълим олиш жараёнига салбий таъсир курсатиб келмоқда.

Маънавиятга таҳдид - ўзлимиз ва келажагимизга таҳдид. «Оммавий маданият» ниқоби остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик ортириш, халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига бепарволик каби таҳдидлар ҳар қандай онгли ва маърифатли одамни ташвишга солмай қуймайди. Хуллас, маънавият - инсоннинг инсонлигини белгилаб берадиган энг асосий мезон.

Маънавиятли шахс тинимсиз равишда иллатлардан холи бўлиб бориши, уларга қарши курашмоғи лозим. Бу ёшлар тарбияси учун ўта муҳим масаладир. Жамиятда яхшилик билан ёмонлик, фазилат билан иллат, эзгулик билан ёвузлик, маърифат билан жаҳолат ўртасидаги шафқатсиз кураш давом этаверади. Яхшилик, эзгулик, маърифат юксак даражада кучайтирилса, албатта, у ёмонлик, иллат, ёвузлик ва жаҳолат устидан ғолиб келади. Шу тариқа яхшилик яхшиликни келтириб чиқаради, яхшиликдан яхшилик туғилади. “Аллоҳ таоло яратган барча мавжудот орасида энг етуғи ва мўжизаси бу инсондир. Инсон ўзига юклатилган вазифа - Ер юзини обод қилиш, уни мукаммал ҳолатга келтириш учун доимо комилликка интилмоғи даркор” [4].

Соғлом авлодни тарбиялаш, вояга етказиш бу жисмоний соғломликни эмас, балки шарқона ахлоқ-одоб ва умумбашарий ғоялар руҳида камол топган инсонни вояга етказиш демакдир. Яъни маънавий, интеллектуал ва жисмоний жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаш - фақат миллий эҳтиёжгина эмас, балки умумдавлат аҳамиятига молик масала. Кўп миллатли Ўзбекистон заминиде туғилиб ўсган, томир ёйган барча қардош халқлар учун бирдай эзгу максаддир. Бунда миллий ва умуминсоний қадриятлар, бой маънавий

меросимизнинг энг яхши анъаналари ҳамда шаклланиб келаётган янги удумлари бирлашади ва у тарбиянинг қудратли омилига айланади.

Ёшлар тарбияси соҳасидаги ислохотлар бугунги энг долзарб, келажак тақдиримизни ҳал қилувчи муаммога айланиб бораётганлиги боис, бу борада амалга оширилиши режалаштириладиган кенг қўламли ишларга қаратилган лойиҳалар жамоатчилик диққат-эътиборига ҳавола этилмоқда. Ёшларни тарбиялашда ҳозирги пайтда маҳаллалар фаолиятига катта эътибор қаратилмоқда. Бу ноёб тузилмани ўзини ўзи бошқариш органига айлантиришга катта ҳисса қушиб келаётган маҳалла оксоқоллари ва фаоллари, фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиларининг ижобий таъсири тобора ортиб бормоқда.

Ёшларимизни мана шундай юқори билим ҳамда амалий кўникмаларга эга, инсон қалбига йўл топа оладиган ва халқ ишончини қозона оладиган янги авлодни тарбиялаш, уларни Ватанни химоя қилиш, садоқатли, адолатли, ҳалол ва ҳўшмуомала бўлишга ўргатиш бугун олдимизда турган долзарб, вазифалардан биридир. Энг муҳими, ёшларни юксак маънавият ва қонун устуворлиги асосида яшаш, эл-юртига, ватанига садоқат, адолат, ҳалоллик, мардлик, жасорат каби ноёб инсоний фазилатларни ҳамда муомала маданиятини камол топтиришдир. “Фуқароларда, айниқса ёшларда Ватанни чуқур ҳис қилиш, унга садоқат билан хизмат қилиш, унинг келажаги учун доимий равишда қайғуриш каби ҳислатларни шакллантириш энг муҳим вазифалардан биридир. Ёшлар қалбига миллат, Ватан, аجدодлар руҳи олдидаги бурч ва масъулият қанчалик чуқур жой олса, миллий маҳдудлик ўрнини миллий кўтаринкилик эгаллайди, яратувчанлик ғоялари пайдо бўлади” [5].

Ёшларимиз халққа хизмат қилиш бурчини шараф билан адо этишлари ва фуқароларнинг ишончини қозонишлари учун зарур бўлган билим, қуникма ва тажрибаларга эга бўлишларида оиланинг ҳам ўрни бекиёсдир. Бугунги кун талабаларидан келиб чиққан ҳолда, шуни айтиш жоизки, малакали кадрлар ҳар қандай ҳолатда ҳам халққа хизмат қилишдек, ўз бурчини шараф билан адо этиб, фуқаролар ишончини

қозона оладиган, малакали мутахассис бўлишлари учун маънавий, ақлий, руҳий, ҳуқуқий, сиёсий, мафкуравий, жисмоний етукликка эришишлари. ташаббускорлик, ташкилотчилик ва фидойилик фазилатларига эга бўлишлари тақозо қилинади.

Чунки, таълим муассасалари таълим-тарбия жараёнида ёшларнинг инсоний фазилатлар, билим, амалий кўникма ва тажрибаларни шакллантириш билан шуғулланувчи тарбиячи ва мураббийлар, шунингдек, жамоат тузилмалари вакиллари ўртасидаги ҳамкорликка эришиш муҳим омил ҳисобланади. Таълим-тарбия жараёнида ушбу талабаларнинг бузилиши, юқорида қайд этилган омиллардан ва имкониятлардан фойдаланмаслик, албатта, турли салбий оқибатларга олиб келади. Чунки, маънавий ахлоқий тарбия ёшларда ҳалоллик, поклик, бурч, виждон, олижаноблик, фидойилик каби фазилатларни шакллантиради.

Маданий ахлоқий тарбия кенг қамровли тушунча сифатида инсон фаолиятининг ҳамма жабҳаларида таъсир кўрсатади. Маданий ахлоқий тарбия ҳамма соҳада: ишлаб чиқаришда, турмушда, оилада, бўш вақтда ҳам кишилар ҳуқ-атворини, инсоний муносабатларини тартибга солади, Маданий ахлоқий тарбия ижтимоий онгининг бошқа шаклларида фарқ қилиб, иқтисодий, сиёсий, маънавий вазибаларни бажаради. Жамиятни мустахкамлашда кишиларни ягона мақсадга йўналтиришда муҳим ўрин тутати. Маънавий ахлоқий тарбия дунёни билишнинг ўзига ҳос усули бўлиб, кишилар ҳуқ-атворини яхшилик ва ёмонлик нуқтаи назаридан тартибга солади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, маънавий тарбиянинг ажралмас қисми бўлган ахлоқ маънавий тарбиянинг асосини ташкил этади. Умуман, олганда, ёшларни ватанпарварлик руҳида, аждодларимизга муносиб авлодлар қилиб тарбиялаш, энг муҳими етишиб чиқаётган мутахассис кадрлар онгида доимо мамлакатимиз тараққиётига ўзларининг ҳиссаларини қўшишга тайёрлик туйғуларини шаклланишига эришиш, шунинг учун ҳам бу ишларда тинимсиз меҳнат қилаётган фидойи инсонларнинг интилиш ва амалий ҳаракатларини кенг қўллаб-қувватлаш, бизнинг олий мақсадимиздир.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. -Т.: “Ўзбекистон” . 1992.
2. Маматов Х. Ҳуқуқий маданият, унинг жамият ва давлат ҳаётидаги ўрни. -Тошкент: Yurist-media markazi, 2008. 40-6.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т.: 1996. 63-б.
4. Валихожаев Б. Комил инсон-комил жамият: Алишер Навоий талқинида. / “Маърифат”, 2002, 23-январь.
5. Саитқосимов А. Жамият барқарорлиги ва шахс масъулияти. –Тошкент: “Тафаккур”, 2012, 86-87-б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ҳозирги тараққиёт босқичида ёшларни маънавий руҳда тарбиялашнинг назарий томонлари ёритилган. Шунингдек, ёшлар тарбиясида билим ва тафаккур, соғлом дунёқарашни шакллантириш, маънавий-ахлоқий тарбия тараққиёт босқичларига атрофлича тўхталиб ўтилган. Ёшлар орасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарлик, жиноятлар содир этиш кабиларни бартараф этишда маънавий тарбиянинг ўрни кўрсатилган.

РЕЗЮМЕ

В статье освещаются вопросы нравственного воспитания молодежи в национальном духе на современном этапе развития общества. Рассматриваются вопросы роли знаний в совершенствовании молодежи, влияние на здоровый образ жизни и духовно нравственное воспитание, преодоления безконтрольности и правонарушения среди молодежи.

SUMMARY

The article is devoted to the issues of moral upbringing of the youth in the national spirit in modern society. The author of the article shows the role of knowledge in the development of the young people, healthy way of life and spiritual-moral upbringing, ways of getting over discontrol, law violations among the youth.

MS EXCEL PROGRAMMASINDA “ELEKTRON KLASS JURNAL” JARATÍW METODIKASÍ

A.Abdullaev - *ekonomika ilimleriniń kandidati, docent*

L.Raxmetova – *talaba*

Ájiniyaz atındaǵı Nókis mámleketlik pedagogikalıq instituti

Tayanch soʻzlar: informatika, programma, algoritim, oʻzgaruvchi, parametr, funktsiya, masala, maktab.

Ключевые слова: информатика, программа, алгоритм, переменные, параметр, функция, задача, школа.

Key words: informatics, program, algorithm, variables, parameter, function, task, school.

Klass jurnalı Mámleketlik tálim standartları hám de oqıw dástúrleriniń orınlanıwın kórsetetuǵın mámleketlik

hújjet esaplanadı. Mektep direktorı hám direktordıń oqıw isleri boyınsha orınbasarı klass jurnalınıń dúris júrgiziliwın